



ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2004 йил 14 январь, чоршанба

№4 (11.599)

Эркин нарҳда сотилади

ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Азиз аскар ва сержант ўғлонларим!
Қадри офицер ва генераллар, мухтарам фахрийлар!

Аваламбор, сизларнинг барчангизни бугунги кутлуг айём – бутун халқимиз кўтаринки руҳ билан нишонлаётган Ватан ҳимоячилари кунини, Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 12 йиллик байрами билан чин қалбимдан табриклар менга катта мамнуният бахш этади.

Хар қайси миллат ва халқ учун муқаддас саждагоҳ бўлмиш она Ватанини қадрлаш, унинг эркинлиги ва озодлигини ҳимоялаш, бу йўлда, керак бўлса, жон фидо қилиш – шу юртининг жасур ўғлонлари, ўзини эр йигит деб биладиган инсонлар учун қадим-қадимдан ор-номус ва мардлик белгиси бўлиб келган.

Кўна ва шонли тарихимиздан яхши биламизки, халқимиз манаси шундай фидойилик ва қаҳрамонлик намунасини кўрсатган фарзандларини ҳамма юксак қадрлаган, уларнинг жасорати ва садоқатини қўшиқ ва дostonларда тараннум этган.

Бугунги нотинч ва таҳликали замонда, узок ва яқин атрофимизда тобора кучайиб бораётган таҳдид ва хатарларни, бутун инсониятга катта хавф солаётган халқаро терроризм балосини инобатга оладиган бўлса, мамлакатимизнинг ҳудудий яхлитлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлашга қодир бўлган миллий армиямизни барпо этиш, уни ҳар томонлама замонвий талабларга жавоб берадиган Қуролли Кучларга айлантириш ҳозирги кунда энг долзарб ва устувор давлат вазифаси бўлиб қолмоқда.

Биз бугун Қуролли Кучларимизнинг 12 йиллик байрамини нишонлар эканмиз, янги, профессионал замонвий армияни барпо этиш мақсадида кейинги йилларда амалга оширган ишларимизни сарҳисоб қилиб, бу йўлда қўйган қадамларимиздан мамнун бўлишга албатта ҳақлимиз.

Миллий армиямизнинг келажаги ҳақида гапирганда, авваламбор юртимизнинг жуғрофий ва геосиёсий шароитини, минтақамиздаги ҳарбий ҳаракатлар майдонининг ўзига хослигини, мамлакатимизга таҳдид солиши мумкин бўлган хавф-хатарларни аниқ англаган ҳолда, тезкор ва илҳам, замонвий қурол-аслаҳа ва техника воситалари билан таъминланган, юксак маҳорат ва жанговар руҳга эга бўлган Қуролли Кучларни ўзимизга тасаввур қиламиз.

Шу борада бошланган ислохотларни изчил давом эттириш ва охирига етказиш, жумладан, жанговар низомларни, норматив тартиб ва қоидаларни янада такомиллаштириш, қўшин турларининг фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг ўзаро ҳамкорлигини ошириш, кичик офицерларни тайёрлайдиган ҳарбий билим юрталарининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш масалаларига, айниқса, армиямизнинг ўзига бўлган сержантлар мактабларининг тўлиқ шаклланишига алоҳида эътибор қаратишимиз зарур.

Энг асосийси, ҳозирги пайтда армия сафларида хизмат қилиш ҳар қайси йигит учун унинг зотида юксакликни мажбуриятни бажаришига эмас, балки барчангун хавасини тортидиган шароитда давлат хизматида бўлиб, эл-юрт олдидаги ғоят мураккаб, шу билан бирга, ўта

масъулиятли вазифани адо этишга, ватанпарварлик, мардлик мактабини ўташдек шарафли ишга айланиши даркор.

Бу соҳадаги ўзгаришлар, хусусан, армиямизнинг таркиби ва бошқарув жиҳатидан янги негизда ташкил этилаётгани, муддатли ҳарбий хизматнинг 12 ой этиб белгилангани, янги – сафарбарлик-чакирив резерв хизматининг жорий қилинганлиги, ҳарбий қисмларнинг моддий базаси, хизматчиларнинг эса таъминоти ва маошлари оширилгани ҳам ана шу йўлда мустаҳкам пойдевор бўлиши шубҳасиз.

Жанговар тайёргарликнинг интеллектуал даражасини юксалтириш, уни илғор усул-усуллар, моделлаштириш, компьютер ва информацион технологиялар, замонвий фан ютуқлари асосида ташкил этиш йўлида олиб бораётган ҳаракатларимиз, бир томондан, ҳарбий хизматни ўзи учун касб деб танлаган инсонларнинг ақл-заковати ва маҳоратини оширишни тақозо этмоқда, иккинчидан, бугун ҳарбий хизматни ўташга ҳозирлик кўраётган ёшларимиз олдида янги, юксак талаблар қўймоқда.

Шу билан бирга, биз Қуролли Кучларимизнинг халқаро алоқаларини, НАТО ва Евроатлантик ҳамкорлик уюшмаси каби халқаро ташкилотлар, турли давлатлар билан муносабатларини ривожлантириш, жумладан, "Тинчлик йўлида ҳамкорлик" дастури доирасида ўтказилаётган ўқув машғулотларининг самарадорлигини янги босқичга кўтариш – ҳаётий зарурат эканини ҳам унутмаслигимиз лозим.

Олдимизда турган муҳим вазифалардан яна бири – ҳарбийларимизнинг хизмат ва яшаш шароитини янада яхшилаш, эски маънодаги қазарма деган тушунчадан бутунлай воз кечиб, аскар, сержант ва офицерларимизни ривожланган давлатлар армияларидаги каби барча қулайликларга эга бўлган замонвий тураржойлар билан таъминлаш, уларнинг оила аъзолари ва фарзандлари учун муносиб шароит яратиб бериш ҳам доимий эътиборимиз марказида бўлмоғи керак.

Бир сўз билан айтганда, биз халқимизнинг асрий орзуси бўлмиш мустақиллигимизни, тинч ва осуда ҳаётимизни ҳар қандай хавф-хатарлардан, бало-қазолардан асраш ва ҳимоялаш мақсадини ўз олдимизга қўяр эканмиз, бунинг учун аввало бугунги кун талабларига жавоб берадиган миллий армияни барпо этишимиз, унинг салоҳияти ва маҳоратини оширишимиз зарурлигини ҳаётнинг ўзи кун тартибига қўймоқда. Бу кенг маъноли, теран ҳақиқатни барчамиз яхши англаб, тушуниб олишимиз даркор.

Сиздек мард ва довурак фарзандларимиз Ватанимизнинг тақдирини, халқимизнинг бугунги ва келажагини, оналаримиз халоватини, аёлларимиз, опа-сингилларимиз шаънини, болаларимизнинг қувнок овозини, мусофиро осмонининг сақлаш учун Оллоҳ таолонинг ўзи ато этган фазилатларни, белгиланган, биланганда бўлган куч-қувватни тўла сафарбар эта-сиз, деб ишонман.

Сизларни бугунги кутлуг шодиёна билан яна бир бор муборақбод этар эканман, ҳар бирингизни бағримга босиб, барчангизга сийҳат-саломатлик, куч-ғайрат, жанговар фаолиятингизда муваффақиятлар, шахсий ҳаётингизда бахт ва омадлар тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти,
Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонини.



ЮКСАК МУКОФОТ МУБОРАК!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 10 январдаги «Ватан ҳимоячилари кунини» муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»-ги Фармонида мувофиқ мамлакатимизнинг мудофаа қудратини янада юксалтириш, сарҳадларимиз дахлсизлиги ва

миллий хавфсизликни таъминлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ҳуқуқ-тартибот ва эл-юрт осойишталигини мустаҳкамлаш ишга қўшаётган катта ҳиссаси, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги самарали фаолияти учун бир гуруҳ ватандошларимиз фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирландилар. Улар орасида вилоятимизнинг қўйидаги вакиллари ҳам бор:

II даражали «Шон-шараф» ордени билан
Омонбоев Алишер Тўраевич – Тошкент вилояти божхона бошқармаси бошлиғи
«Шуҳрат» медали билан
Соатов Дилшод

Хаямович – Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар мудофаа ишлари бўлими бошлиғи

Хайдаров Қозимбек Абдуҳақимович – Чирчиқ Олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти артиллерия батареяси командири

Хусанов Собир Орипович – Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси ташкилий инспекторлик бошқармасининг инспекция бошлиғи

Биз барча мукофотланганларни самимий муборақбод этамиз!

РЕСПУБЛИКА КОМИССИЯСИ ЙИГИЛИШИ

“Ўзметкомбинат” акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси ўтган йилни муваффақиятли якунлади. Истеъмолчиларга 110,3 миллиард сўмлик маҳсулот етказиб берилди.

Авалги йилдаги нисбатан 26,9 минг тоннадан кўп тайёр металл прокати ишлаб чиқарилди. Қурилишда ишлатиладиган арматура, тоғ-кон ва металлургия корхоналари учун пўлат зўндирлар четдан келтирилмайдиган бўлди. 2003 йили хорижий истеъмолчиларга сотилган маҳсулотнинг умумий қиймати қарийб 42 миллион АҚШ долларига етди. Бу 2002 йилдагидан салкам икки баравар кўпдир.

Бекобода ўтказилган Қора ва рангли металлургия парчалари ва чиқиндиларини тайёрлаш ҳамда қайта ишлашга топширишни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича Республика комиссиясининг йиғилишида ана шулар хусусида сўз борди. Унда корхона хомашё билан таъминлаш бўйича 2003 йил якунлари ва галдаги вазифалар атрофида муҳокама қилинди.

Йиғилишни Ўзбекистон Президентининг Давлат мас-

лахатчиси, комиссия раиси И.Жўрабеков бошқарди. Унда тегишли вазирлик, идора, ҳудудий бошқарув органлари ва мутасадди ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

Бекободлик металлургия корхоналари билан таъминлаш учун имкон етарли. Жойларда эскирган асбоб-ускуна, қишлоқ хўжалиги техникаси кўп. Уларни йиғиш ва корхонага ўз вақтида топшириш лозим.

Йиғилишда бу борадаги имкониятларни тўлароқ ишга солиш лозимлиги таъкидланди. Муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли вазифалар белгилаб олинди.

Йиғилишда Тошкент вилояти ҳокими У. Мирзақуллов иштирок этди.

Неъмат ДУШАЕВ,
ЎЗА мухбири.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

МУРУВВАТ

Давлатимиз раҳбари томонидан 2004 йилнинг Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилиниши юртимизда эзуе ишларининг янада кенг қулоқ ёйишида муҳим омил бўлди.

Вилоятимизда қўлаб корхона ва ташкилотлар ҳам саховат ишларига ҳисса қўшаётганлар. Хусусан, «Тошвилотавтотехизмат» ҳиссадорлик жамияти Чиноздаги «Пахтаобод» маҳалласи-

га мурувват кўрсатди. Маъзур жамиятнинг раиси Эркин Обидов фуқаролар йиғини хонаси учун 500 минг сўмлик мебель жиҳозлари топширди.

Хуршида НАЗАРОВА.

МАҲАЛЛАЛАРДА МУЛОҚОТ

Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси вакиллари гуруҳи Бекобод тумани маҳаллаларида бўлди.

Гуруҳ аъзолари бу ерларда қилинаётган ишлар билан танишиб, бевосита мулоқотлар ўтказдилар. Хусусан, Истиклол, Фарход номли ва бошқа қатор маҳаллалардаги учрашувлар баҳс ва мунозара-

ларга бой бўлди. Меҳр ва мурувват йилида бажарилиши кўзда тутилган тадбирлар муҳокама қилинди. Бу борадаги тақдир ва фикр-мулоҳазалар ўрганилди.

Равшан
ЁҚУБЖОНОВ.

БЕМИННАТ КЎМАК

Оққўрғон туманидаги 78-сонли махсус-интернатда 300 га яқин ўқувчи таълим-тарбия олади.

Улар орасида иқтидорлилари талайгина. Аълочилар хомийлар томонидан доимо рағбатлантириб борилади. Шунингдек, бир қатор корхона ва ташкилотлар ҳам ушбу муассасадан кўмакларини аямаяптилар.

Яқинда бу ерда яна бир хайрли ишга қўл урилди. Хомийлар томонидан интернат ошонасига 200 минг сўмлик жиҳозлар ва 16 та гилам, шунингдек, юмшоқ меbellар ҳадя этилди.

Равшан РУСТАМОВ.

ЯНА БИР ЯНГИ ТАРМОҚ

Аҳолини табиий газ билан таъминлаш мақсадида Паркент тумани ҳокимлиги бир қанча тадбирларни амалга оширяпти.

Жумладан, Юқори-чирчиқ туманидан бу ерга 12 километрлик газ қувури тортилмоқда. Ундан паркентликларга юқори босимдаги газ етказиб берилди.

Ҳозиргача 800 миллион сўмлик ишлар амалга оширилди. Ушбу янги тармоқ яқин кунларда фойдаланишга топширилади.

ЎЗ мухбиримиз.

УЛАР – ХАЛҚИМИЗ ФАХРИ

Юртимизда Ватан ҳимоячилари кунини ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил топганининг ўн икки йиллиги кенг нишонланмоқда.

13 январь кунини пойтахтдаги «Туркистон» саройида Қуролли Кучларимиз вакиллари, меҳнат ҳамда армиямиз фахрийлари, олий ҳарбий ўқув юрталарининг курсантлари, шаҳар жамоатчилиги вакиллари ташриф буюрди. Бу ерда Ватан ҳимоячилари кунини ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ўн икки йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди.

Уни Тошкент шаҳар ҳокими Р. Шоабдурахмонов очди. Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонини Ислом Каримовнинг Ватан ҳимоячиларига байрам табригини Президент-

нинг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов ўқиб эшиттирди.

Мудофаа вазири К. Фуломов маъруза қилди. Йиғилишда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов бошқа тармоқлар қаторида ҳарбий соҳани ҳам ривожлантиришга алоҳида эътибор кўрсатаётгани, замон талаби ва халқаро андозаларга жавоб берадиган Қуролли Кучларимиз ташкил топгани, миллий армиямиз – мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолати экани таъкидланди.

Мамлакатимиз сарҳадларининг дахлсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини сақлашга, эл-юртимизнинг

йўлида бутун куч-ғайратини, маҳоратини аямаяди, хамиша сергақ туради, деб таъкидланди.

Йиғилишда сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири А. Орипов, Жиззах вилоят ҳокимининг ўринбосари С. Тўйчиева Ватан ҳимоячиларини байрам билан табриклади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 10 январдаги Фармонида мувофиқ мамлакатимизнинг мудофаа қудратини янада юксалтириш, сарҳадларимиз дахлсизлиги ва миллий хавфсизлигимизни таъминлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ҳуқуқ-тартибот ва эл-юрт осойишталигини мустаҳкамлаш ишга қўшаётган катта ҳиссаси, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги самарали фаолияти учун Ватан

ҳимоячилари кунини муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳи Ватанимизнинг фахрий унвонлари, орден ва медаллари билан тақдирланди. Йиғилишда ана шу мукофотлар тантанали вазиятда топширилди.

Ватан ҳимоячилари кунини ва Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг 12 йиллигига бағишлаб ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг “Энг яхши сержант”, “Энг яхши жанговар гуруҳ командири”, “Энг яхши взвод командири”, “Энг яхши батальон командири” номинациялари бўйича танлов байрам арафасида якунланди. Му-

(ЎЗА).

14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

МУҚАДДАС БУРЧ

Бугун мамлакатимиз халқ, Ватан ҳимоячиларини шарафлаб, миллий армиямиз ташкил топган кунни кенг нишонламоқда. Мустақил Ўзбекистоннинг куч-қудрати йил сайин ортиб, мамлакатимиз босқич-ма-босқич ривожланиш йўлидан бораётти. Ҳамма соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар жамиятдаги, давлат қурилишидаги янгила-нишларга асос бўлмоқда.

Табийки, жамиятдаги ҳар қандай янги-ланиш, хусусан, мамлакатимиз ўз мустақил ривожланиш йўлидан оғишмай бо-раётгани ганимларимиз оромини бузиб, уларнинг қарши ҳаракатига ҳам сабаб бўлади. Турли кўринишлардаги нодўсто-на ҳаракатлар, террорчилик, диний-эк-стремистик оқимлар ҳаммагина оғош бўли-шимизни, уларнинг ўзи ҳам қирққирларини барбод қилиш учун тайёр туриши-мизни тақозо этаётди.

Шуларни ҳисобга олиб, Президентимиз мустақил тараққиёт йўлига ўтилган дастлабки пайтларда ҳам мамлакатимиз-нинг хавфсизлигини таъминлаш оладиган, уни химоя қилишга шай турадиган Ку-ролли Кучларни барпо этишга алоҳида эътибор бериб келмоқдалар. Шу мақсад-да бу соҳадаги рунчиликни мустаҳкам-лаш, тегишли янги қонунлари ишлаб чиқиш ва қабул қилишга жиддий кири-шилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституция-си асосида «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисидаги Қонун қабул қилинди. Кейинчалик бир қатор ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилиб, бу Қонун янада такомиллаштирилди. Мамлакатимизда ихчам, тез ҳаракат қила оладиган, замонавий техника воси-талари ва қуролларга эга бўлган ҳарбий қисмларни шакллантиришга изчил кири-шилди. Фақат шундай таркибдаги Қурол-ли Кучлар мамлакатимиз чегараларини ишончли химоя қила олиши, унинг худ-дий яхлитлигини таъминлаши, халқимиз-нинг тинч ва осойишта ҳаётига гаров бўлиши мумкин эди.

Маълумки, иккинчи қаҳирқўз Ўзбеки-стон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи ва ўнинчи сессияларида Ўрт-бошимиз ҳарбий хизматга тайёрлаш ва Қуролли Кучларда хизматни ўташ тиз-мини тубдан яхшилаш бўйича аниқ йўна-лишларни белгилаб берилди. Шу асос-да амалга оширилаётган ислохотлар мам-лакатимизда ҳарбий хизмат нуфузини оши-риб, Ватан ҳимоячиси обрўсини кўтариб, шартнома асосидаги замонавий армияни яратишга замин барпо этмоқда. Шу йил-лар ичида мамлакатимизнинг ҳарбий-сий-сий мавқеи ниҳоятда мустаҳкамланди. У дунёнинг ривожланган мамлакатлари то-монидан стратегик ҳамкор сифатида тан олинди. Қуролли Кучларимиз нисбатан ёш бўлса ҳам, Бўстонлик ва Бекобод қи-нидаги воқеаларда ўз жанговар қудратини намойиш этди.

Олий Мажлисининг ўнинчи сессиясида қабул қилинган янги Қонун эса, Қуролли Кучлар тизимини мамлакатимизда амал-га оширилаётган жамият ва давлат қури-лишининг демократик янгилаш жараёни-нинг асосий йўналишларига мувофиқ-лаштиришга хизмат қилмоқда. Эндилик-да ҳарбий хизмат Ўзбекистон Респуб-ликаси фуқаролари томонидан мажбурият-ни бажариш бўйича давлат хизматининг алоҳида турига айланди. Йигитларимиз мударатли, сафарбар ҳарбий қаҳирқўз ре-зервиди, шартнома асосидаги, шунинг-дек, захирдаги ҳарбий хизмат турлари-ни ўташлари белгилаб қўйилди.

Ёшларни Ватан мудофаасига тайёрлаш, уларда ҳарбий малакани ҳосил қилишда сафарбар қаҳирқўз резервиди хизмат ҳам алоҳида ўрин тутди. У худудий тамойил асосида ташкил этилмоқда. Йигитларнинг бу қатлами бир ойлик йигитлар мобай-нидаги машқларда ҳарбий тайёргарлик-дан ўтадилар.

Вилоятимиз шаҳар ва туманларида йи-гитларни Ватан олдидаги ўз фарзандлик бурчларини бажаришга тайёрлаш билан тобора изчил шуғулланилапти. Биз «Ва-танпарвар» ташкилоти, «Нуроний», «Маҳал-

ла» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижти-моий ҳаракатининг маҳаллий бўлимлари билан ҳамкорликда анъанавий «Шунқор-лар» мусобақаларини, спортнинг ҳарбий-амалий турлари бўйича спартакиадаларни мунтазам ўтказаяётиримиз. Улар ҳаммиша ўсимрлар учун чинакам чаққонлик, эңчил-лик ва журъатлилик намоёйишига айлана-япти. Чунинчи, шу ойлик мобайнида спорт-нинг амалий турлари бўйича мактабларда мусобақалар ташкил этилди. Ўқувчилар, ай-ниқса, қўл жанги, граната улоқтириш, ўқ отиш турлари бўйича маҳорат кўрсатишди. Зангиота, Қибрай, Қуйчириқ, Юқоричи-риқ туманлари, Бекобод, Олмалик ва Чир-чиқ шаҳарларида «Шунқорлар» ҳарбий-спорт ўйинлари ўтказилди.

Ёшларни, аҳолининг барча қатламла-рини оммавий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ҳар йили Ватан мудофаа-чилари куни арафасида ўтказилаётган анъанавий ойликларнинг аҳамияти катта бўлаяпти. Қоида тарихида оммавий-ва-танпарварлик ойлигини 14 январь — Ватан ҳимоячилари кунига ақунлаш яхши анъана бўлиб қолди. Вилоят ҳокимининг махсус фармойиши билан ташкил этил-ган навбатдаги анъанавий ойлик мобай-нида шаҳар ва қишлоқларимизда жуда кўп ибратомуз тадбирлар ўтказилди. Чун-инчи, ҳарбий қисмларда аскарлар бил-лан ўқувчи ёшларнинг учрашувлари, фар-зандлик бурчи, Ватан ҳимоясига тайёр-гарлик, баҳодир аждодларимиз анъана-ларига садоқат масалаларига бағишлан-ган давра суҳбатлари уюштирилди. «Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари: кеча, бугун, эртага» мавзудаги очик эшиқлар кўни ёшларда, айниқ-са, катта қизиқиш уйғотди. Ойлик тад-бирлар доирасида ўқувчи ёшлар ҳарбий техника, қурол-яроғ турлари билан бе-восита танишдилар. Маҳаллаларда, мак-табларда, меҳнат жамоаларида уруш фа-риёлари иштирокидаги учрашувлар ёшларнинг маънавий тарбиясига катта таъсир кўрсатмоқда. Мана шундай муло-қотлар чоғида ҳарбий интизом, касамга садоқат, ҳарбий техника ва қуролни му-камал эгаллаш, буларнинг Ватан олди-даги бурчини шараф билан ўташдаги аҳамияти хусусида қизгин ва жонли фикр олишувлар бўлиб ўтди.

Ватан ҳимоячилари куни арафасида ота-оналар жамоатчилик вакиллари ҳар-бий қисмларда бўлиб, аскарлар билан суҳбатлашди, улар учун концертлар ташкил этишди.

Бугун — Ватан ҳимоячиларини шараф-лаш куни. Шу қутлуғ айёмда ҳар бири-миз шу азиз Ватанимиз осойишталигини, халқимизнинг тинч ҳаётини туну кун хушёр туриб қўриқлаётган ҳарбий хиз-матчиларни қизгин қутлаймиш, уларга куч-қувват тилаймиш. Вилоятимиз шаҳар ва туманларидан ҳарбий хизматга қа-ҳирқўз ёшлар шундай хурмат-эътиборга муносиб хизмат қилаётдилар. Ҳарбий қисм командирларининг миннатдорчилик мактублари бунинг далилидир. Бу мак-тубларда йигитларимиз ўз ҳарбий бурч-ларини шараф билан бажариб, қуролдош дўстларига муносиб намуна кўрсатаёт-ганликлари алоҳида қайд қилинмоқда. Биз шундай фарзандларимиз билан фарла-намиз. Улар Ватанимиз тинчлигини, бун-ёдкорлик ишларимиз барқарорлигини ҳаммиша хушёр туриб қўриқламоқдалар. Йигитларимизга жанговар хизматда са-бот-матонат, катта-катта муваффақиятлар тилаймиш.

Зокир АҲМАДҲҲАЕВ,
Тошкент вилояти Мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи вазиралик бажарувчи, полковник.

Она мактуби

Кенжа ўғлим Рустамжон Фарғонада Ватан олдидаги ўз йигитлик бурчини ўтамоқда. Бизга: «Ўғлимиз қолган хизмат вақтини Сўхда ўтайди», — деган хабар келди. У ерларда уруш бўлгани, бир пайтлар жангарилар жойлашган тоғли жойлигини ҳаммамиз биламиз.


Биз тезда у ерга етиб бор-дик. Ўғлимизнинг хурсанд-лигини кўргач, кўнглимдаги шубҳа-гумон-лар тарқаб кет-ди. Ўғлим эса: «Она, бу ерлар менга жуда ёқди. Ҳамма жойда хизмат бир. Йигитлик бурчимни ўтаб, Ватанимни қўриқ-лаб, нима талаб бўлса, бажараман», — деди. Командирлари ҳам аjoyиб инсонлар экан. Бизнинг болаларимиз-

ФАРЗАНДАРИМИНИ ҚУТЛАЙМАН

ни ўз болаларидек кўриб, уларга ўзлари билган барча нарсаларни ўргатишмоқда. Мен улар билан хайрлашиб, ўғлимдан кўнглим хо-тиржам бўлиб уйимга кайтдим. Шу байрам кунлари болалари ҳарбий хиз-

матда бўлган барча она-ларга айтмоқчиман: «Ҳеч ҳам болангиздан ҳавотир олманг, Ўртбошимиз «... ҳамма болалар ме-нинг болаларим» деб бежиз айтма-ганлар. Фурсатдан фойдаланиб, ҳар-бий хизматдаги ўғлим Рустам Аҳмедовни, унинг командирларини, ўртоқларини, ҳарбий хизматни ўтаётган бар-ча фарзандларимизни 14 январь — Ватан ҳимоя-чилари куни билан қиз-гин табриқлайман.

Дилором АҲМЕДОВА,
меҳнат фахрийси,
Оққўрғон тумани.



ЮРТ ТИНЧЛИГИ — ИШОНЧЛИ ҚўЛЛАРДА

Мамлакатимиз Прези-денти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондон Исом Каримов таъкидла-ганидек, Ўзбекистон учун, бугунги ва келажак авло-д учун эңг катта бойлик — элнинг тинчлиги ва осой-ишталигидир. Шу боис, бебаҳо бойлигимиз — юрт тинчлиги ва осойиштали-гини таъминлаш давлати-миз сиёсатининг эңг усту-вор йўналишларидан би-рига айланган.

Халқимизнинг тинч, осуда ҳаётини таъминла-шда Ўзбекистон Респуб-ликаси Давлат чегаралари-ни химоя қилувчи кўми-та муҳим ўрин тутди. У за-монавий қурол-аслаҳа ва алоҳа воситалари, техни-ка билан таъминланган кўп сонли жанговар қўшндир.

Майор Мирза Абдами-тов командир бўлган ҳар-бий қисмда шартнома асо-сида хизмат қилаётган ёшлар чегараларимизнинг доимо тинч ва осойишта-лигини таъминлаш учун бор куч-ғайратини сафар-бар этмоқда. Қисмда жанг-чиларнинг ҳарбий хизмат-ни намунали ўташи учун барча шароит яратилган. Кенг ва ёруғ казармалар, замонавий ошхона, катта



китоб фондига эга бўлган кутубхона, спорт майдон-чалари ва бошқа кўпжаб маданий-маиший объект-лар аскарлар хизматида.

Чегарачи, аввало, мустақил фикрлайдиган, масъулиятни ўз зиммаси-га олишга қодир, жисмо-га олимга қодир, жисмо-га ва маънавий жиҳатдан етуқ бўлиши лозим, — дейди Мирза Абдами-тов. Қисмида ана шундай фазилатларга эга чегара-чилар кўпчиликини ташкил этади. Биз улар билан фахрланамиз.

Турсунбой БОТИРБЕКОВ,
ЎЗА мухбири.

ХИЗМАТИНГГА ТАЙЁРМИЗ, ВАТАН!

«Сиз Ватан ҳимоясига қандай тайёрланмоқда-сиз?» — Ватан ҳимоячилари куни арафасида «Ватанпарвар» ташкилоти Бўстонлик туман кенгаши ўқув юртининг курсантларига юқорида-ги савол билан мувожаат қилдик. Қуйида уларнинг жавобларини ўқийсиз.

Ойбек Фуломов, курсант:

— Муассасамизда чақирилувчи ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмонан бақувват, Ватан ҳимоячиси но-мига муносиб қилиб тарбиялашга катта эътибор берилмоқда. Ҳаво милтигидан ўқ отиш, ёзги биатлон, тезкор радиотелеграф орқали алоқа, «Алло-миш» ва «Барчиной» тўғарақлари машғу-лотларида шуғуллан-моқдамиз.

Ҳикмат Назарметов, курсант:

— Ҳарбий-ватанпар-варлик ойлиги тадбир-ларининг ўтказилиши-дан асосий мақсад — эңг аввало, ёшларда она-юртни ардоқлаш, юртимиз истиклоли, халқимиз эркини кўз қорачиғидек асраш ҳис-сини кучайтириб, дов-журак посбонларни тар-биялашдан иборат, деб ўйлайман. Шунинг учун барча савий-ҳаракатлар шунга қаратилган. Мен ҳам тенгдошларим қато-ри мана шу мактабнинг ҳайдовчилиқ курсида таълим оляпман. Биз-га касбни пухта ўрга-тишда устозларимиз Ўткир Маҳмудов, Анвар Ўсаров, Собир Аҳме-довларнинг ҳиссалари катта бўлаяпти. Ҳайдов-чилик касбини мукам-мал эгаллаш Ватан ол-дидаги бурчимни муно-сиб бажаришимда қўл келади, албатта.

Абдуқолиқ Таубоев, курсант:

— Мустақил Ўзбеки-стонимизнинг мустақам пойдевори — ёшлар, Президентимизнинг биз ёшларга қарата айтган ушбу сўзларини асло унутолмайман: «Эй, улуг Ўзбекистон-нинг навқирон авлоди: Сизнинг бу ҳаётда орзу-интилишингиз, кўзлаган мақсадингиз, қиладиган ишларингиз кўп. Лекин, ҳеч қачон унутмангки, Сизнинг эңг муқаддас вазифингиз — юртимиз истиклолини, халқимиз эркини кўз қорачиғидек асраш, унинг хавфсизлигини химоялашдир.

Дарҳақиқат, ҳар куни-мизда, ҳар нафасимиз-да Ватан осудалиги, хо-тиржамлиги учун ҳисса қўшиб яшашимиз керак. Буни ҳар биримиз ўзи-мизнинг олий мақсади-миз, шарафли бурчи-миз деб биламиз. Шу боис бугун ҳарбий кас-бни пухта эгаллаб олиш-га ҳаракат қилияман».

Давлатимиз хавфсизлиги, унинг Қуролли Кучла-ри мудофаа қудратини мустаҳкамлашга кўмакла-шиш, миллий Қомусимизнинг Ватан ҳимояси ҳақидаги талабларини тарғиб қилиш, кенг халқ оммаси, хусусан, ёшларни меҳнатга ва она-Ватан-ни химоя қилишга тайёрлаш, спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантириш соҳаларида фаолият олиб бораётган «Ватанпарвар» ташки-лоти мамлакатимизда кечаётган ҳарбий ислохотлар жараёнида фаол иштирок этмоқда.

Саид ҲАКИМОВ.

ОЙЛИК ЯҚУНЛАНДИ, ТАДБИРЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпар-вар» ташкилоти Янгийўл шаҳар автомо-биль мактабиде Тошкент вилояти омма-вий-ватанпарварлик тадбирлари ойлиги яқунларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

— Бу тадбирларда қатнашиб, ҳам маъ-нан, ҳам жисмонан жиддий муваффа-қиятларга эришдик, — дейди курсант До-стон Бердиев. — Сабаби аскарлар ўрта-сида ўтказилган мерганлик мусобақаси-да яхши натижани қўлга киритиб, би-ринчи даражали дипломга сазовор бўлдик.

Йиғилишда вилоят халқ таълими бош-қармаси, «Нуроний», «Маҳалла» жамғар-ма-

лари ҳамда мудофаа ишлари Янгийўл шаҳар бўлими вакиллари сўзга чиқишиб, армия сафарларида йигитлик бурчини ўтаётган фарзандлари билан халқ ҳам-миша фахрланишини, уларга бўлган ишонч мустаҳкамлигини алоҳида таъкидлашди. Шоир Муҳаммадсиддиқ Раҳматовнинг Ватан, юрт ҳақидаги шеърлари қатнаш-чиларга манзур бўлди.

Курсантларнинг кинология ҳамда тезкор ҳарбий жанговар шайлик бўйи-ча чиқишлари йиғилганларда катта та-ассурот қолдирди.

Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Чўлдаги ЖАСОРАТ

Кичик сержант Жаҳонгир Нурмаатов давлат чега-расини қўриқлаш учун навбатга чиқайтганида воқеа бундай жиддий тус олиб кетишини ҳаёлига келтирма-ган эди. Вазод командири катта лейтенант Иброҳим Юнусов назоратчилар гуруҳи билан яна бир бор йўриқ-суҳбат ўтказди, постда озоқлик, сичковлик ниҳоятда зарур эканлигини алоҳида таъкидлади.

Қишининг изгиринида даштда чегара соқчили-рининг хизмати қанчали-рининг эканлигини аскар бўлган бади. Сувқ

эйтиборсиз қолдиришмас-ди.

Бирор фурсат ўтгач, қўшни давлат худудига оқ машинаси пайдо бўлди. У Жаҳонгирнинг эйтибори-ни ўзига тортиди. Чегара-чи айлана-айлана Ўзбе-кистон Республикаси че-гара худудига ўтишга ури-наётган машинани тўхта-тиб, ҳужжатларни кўздан кечираркан, ҳайдовчининг

бармоқлари пальто тугма-ларини ихтиёрсиз равиш-да татаалтанглигига эътибор бериб қолди. «Ҳайдовчи каттик ҳаяжон-да, — ўйлади кичик сержант. — Нимадан?»

Жаҳонгир ҳайдовчи кабинисини ҳам синчик-лаб кўздан кечириб чиқ-ди. Кейин машинанинг олд томонидан, ўнг ёнбошидан энқайиб, юк-хонанинг ост томони, кабина тагини кўздан кечиршига киришди. Шу пайт кўзи...

Кичик сержант Жаҳон-гир Нурмаатов эңчиллик билан ҳайдовчини қўлга олди. Уни хавфсизланти-риб, ёрдамга етиб келган шошилинч гуруҳ билан автомашинанинг кўз ил-гамас жойига ниҳоятда эҳтиётлаб яшириб қўйил-ган етти дона ўқотар қуролни бирин-кетин чи-қариб олди.

Ўзбекистон Респуб-ликаси Давлат чегараларини қўриқлашда кўрсатган жа-сорати, ҳарбий бурчини ба-жариш мобайнидаги садо-қатли хизмати, қуролли душмани зарарсизланти-риб, қўлга туширишдаги хушёрлиги учун кичик сержант Жаҳонгир Нурма-атов «Жасорат» медали билан тақдирланди.

Иброҳим БҮРИЕВ.



ОСТОНАДА СЕРГАК

Уй остонадан, мамлакат, Ватан, она-юрт чегарадан бошланади, дейишади. Шу маънода Ойбек номидаги чегара пункти ҳам она-Ватанимизнинг муқаддас остонасидир. Бу ўтиш жойида ҳар кун неча ўнлаб транзит транспорт воситалари кўздан кечирилади. Сиртдош қараганда, бу йўлдаги хизмат зерикарлидай, бир текис ўтаётгандай туюлади.

Лекин, бу алдамчи тасаввур. Чегарада ҳар соат, ҳар дақиқа қутил-маган ҳодисалар юз бериб туради. Шундай эканлигини англаб етиш учун бир ҳодиса-ни тадрижий баён этмоқчимиз.

2003 йил 7 сентябрь. Соат 11:45. «Икарус» автобуси чегара пости-га яқинлашиб келди. Уни Қирғизистон Рес-публикасининг фуқаро-си Н. Искандаров бошқарди. Транспорт воситасини кўздан кечираётиб, оддий аскар Ойбек Ғойипов аввало, катта бир автобус Россияга бўм-бўш, йўловчисиз кетаётганлигига эъти-бор берди. 12:00. Ҳайдовчининг

барилди. Унинг бакига 262 та ўрам гиёҳвандлик моддаси яшириб қўйилган экан. Ажал келтирув-чи бу оғу 124 килоу 300 грамм тош босди.

Хизмат вақтида хушёрлик кўрсатган оддий аскар Ойбек Ғойипов «Шон-шараф» медали билан тақдирланди.

Ю. ЖУМАНИЁЗОВ.



КОМПЬЮТЕРЛАШТИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ

Жамиятимизда компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш устувор аҳамиятга эга.

Президентимиз 2001 йил май ойида Олий Мажлисининг бешинчи сессиясида сўзлаган нутқида компьютерлаштириш ва ахборот технологияларини ривожлантириш, уларни мактаблар, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва олий ўқув юртлири дастурларига, кундалик турмушга жорий этиш

бўйича юртимизнинг юксак даражага эришиши зарурлигини таъкидлаган эди.

Президентимизнинг 2002 йил 30 майдаги "Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида"ги фармони бу борада муҳим дастуруламал бўлиб

хизмат қилаётир. Мазкур фан ўқитувчиларининг Тошкентдаги информатика касб-хунар коллежидан ўтган семинарида ана шу ҳақда гап борди. Сўзга чиққанлар коллеж ва лицейлар тўбора кўпроқ Интернет тармоғидан фойдаланиш имконига эга бўлаётган ҳозирги кунда ўқув жараёнига замонавий компьютер ва ахборот технологияларини жорий этишни жадаллаштириш, информатика фани ўқитувчилари малакасини ошириш масалалари юзасидан фикрлашди.

Ў.А.

ҲАМШИРАЛИК — МУҲИМ КАСБ

Мамлакатимиз Президентининг Фармонида мувофиқ ўрта бўғин тиббиёт ходимларининг назарий ва амалий билимларини ошириш, юқори малакали тиббий ҳамшираларни тайёрлаш мақсадида 1999 йилдан бошлаб тиббиёт олий ўқув юртлирида махсус факультетлар ташкил этилган эди. Ушбу факультетларга тиббиёт коллежларини татомолаган ўқув ва қизлар қабул қилинади.

Энди Соғлиқни сақлаш вазирлиги бешта ҳудуд — Фарғона водийи, Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Тошкент вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва

мамлакатимиз пойтахтида тиббиёт коллежлари ва институтларида ҳамширалик ишини ўқитадиган ўқитувчиларни тайёрлаш бўйича ўқув марказларини ташкил этишни режалаштирди.

Ў.А.

Жаҳон маданияти юлдузлари

Бундан 200 йил муқаддам Австриянинг Зальцбург шаҳрида яшовчи беш ёшли аждоғимиз Вольфганг Амадей Моцарт ҳақида бутун Европа бўлаб шов-шув тарқалди. Унинг маҳорат билан скрипка, клавесин, орган чалиши ҳақидаги хилма-хил ҳикоялар тилдан-тилга ўтарди.

МУСИҚАВИЙ ҲАЙКАЛ СОҲИБИ



Боланинг тайёргарликсиз, даб-дурустдан янги куйлар яратиб қобилияти фақат мусиқа шинавандаларинингина эмас, маърифат аҳлини ҳам ҳайратга солганди. Ухшаши йўқ, бетакор, жозибали куйларни у девирли, бир лаҳзада яратган. Буюклик даражасидаги чиройли оҳанглар билан йўғрилган ҳаётбахш бу асарлари жуда оддий бўлиб туюларди. Гоҳ ракс каби жилвали ва жүшқин, гоҳ баҳор кўшиги каби мунгли, аламли, дилкаш, гоҳ ниҳоятда таъсирчан ва завқли. Ақл бовар қилмас даражадаги истеъдодли бола ҳақидаги ҳикоялар афсонага ўхшаб кетарди.

Французлар эса олти ёшли Моцартнинг истеъдодига ҳурмат кўрсатиб, скрипка ва клавесин учун ёзилган нота асарларини биринчи бўлиб юз минглаб ададда нашр этдилар. Моцарт мумтоз мусиқанинг машаққатларидан чўчимас, аксинча, жуда кўп меҳнат қиларди. У ўн тўрт ёшга тўлганда, Миландаги машҳур Италия опера театри унга «Митридат Пент подшоиси» операсига буюртма берди ва у тез фурсатда сахнага қўйилди. Дарҳақиқат, унинг биринчи устози — отаси — таниқли педагог, бастакор, иқтидорли скрипкачи, каттиққўл, заковатли, уздабурон киши бўлганлиги маълум. Аммо, Моцарт кўпроқ онасига тортган. Табиатан хис-ҳаяжонли, ишонувчан ва камтарин бўлган Вольфганг одамлар билан осонгина умумий тил топа олар, кундалик тирикчилик ташвишларидан эса узоқда эди. Кейинчалик Моцарт ижодидан «Фигароннинг уйланиши», «Дон Жуан», «Сехрли флейта» опера-

лари, жуда кўп қўлаб симфониялар, соната ва ўнлаб вариациялар, кантата, фантазиялар ўрин олди. Бугунги кунда, айниқса, бутун дунёнинг консерваторияларида ҳамда опера ва балет театрларида шубҳасиз миллионлаб санъат шайдоларининг чуқур меҳр ва муҳаббатига сазовор бўлмоқда. Унинг сўнгиги шох асари «Реквием» эса чуқур драматизм билан суғрилган бўлиб, бу мусиқа ақл ва адолат тантанасига ишончини орттириши билан ажралиб туради. Моцарт ўз бахтини дўстларидан, мустақкам ақил ва қувноқ оиласида, ўқиш ва меҳнатда деб билди. Шунинг учун бўлса керак, у ўз асарларида инсониятнинг ҳақиқий гўзал фазилатларини тасвирлаган. Моцарт ҳали 36 ёшга тўлмади, ижодий кучи айни барқ урган даврда вафот этди. Унинг ўлмас божий асарлари эса, ақл ва адолат, гўзаллик тантана қилишига ишонч тугдиради. У мислсиз ёрқин ва нурафшон мусиқаси абадийлиги билан ўзига олтиндан ҳайкал қурган. **Ҳасан ИБРОҲИМОВ.**

Кичик ҳикоялар

Онахон ая зерикиб, эшик ёнида куз қуёшига ўзини солиб, ўтган-кетганларни кўзатиб ўтирар эди. Шу аснода хат ташувчи Рўзат бобо келиб қолди. Хартугул, ахшиям шу бор экан, газета, нафақа пули олиб келиб туради.

— Ҳа, Онахон, кимни кўтиб ўтирибсан? — дедию кўлидаги халтачасини кавлай бошлади.

— Кимни кутардим, узув кун уйда ўтириб зерикиб кетаман. Ҳўжайин бозор-ўчарга кетган, ҳаяллаб қолди негадир.

— Куз офтобига ишонма, шамоллаб қоласан. — Қалин кийиниб олганман.

— Қани бўлмас суюнчи бер, ўғлингдан хат олиб келдим.

— Вой, Пулатжонимданми? — Аянинг юрагидан кўёш чиқиб кетгандай бўлди.

Пулатжон Онахон аянинг яккаю-ягона ўғли. Фарзанд кўрмай-кўрмай, ёши бир жойга бориб қолганда етишган эркатойи. Ҳозир Тошкентда. Хартугул ўтган йили институтга ўқишга кириб олди. Онахон хурсанд. Ўғлим ҳам одам бўлади, деб. Аммо усиз эр-хотин қариган чоғларда бир-бирларига қараб шўппайиб қолишган. Эр-таю-кеч ўғлини уйлайди, ахир уни ҳеч қаерга ишонмас эди-да.



СЎЗ ҚУДРАТИ

Рўзат мактубни Онахон аяга узатди. Она шўрлик ўғлининг хатини кўзига суртиб, бироз йиғлаб ҳам олди.

Кейин Рўзат бобога юзланди: — Узинг ўқиб бераю, мени кўзим ўтмайди.

Рўзат хатжилдни очиб, бир варақча қисқаргани килиб ёзилган мактубни ўқий бошлади.

— Салому алайкум, азиз отажоним, меҳрибон онажоним.

Сизларга Тошкентдек азим шаҳардан соғиниш саломларини йўллаيمан. Мендан хавотир олманг-

лар, ўқишларим яхши, ҳамма имтиҳонларни тошлардим, энди худо хоҳласа, бу йил учинчи курсга ўтаман. Аммо Тошкентда ўқиш қийин экан, анча қийналиб қолдим. Агар иложи бўлса, бироз пул юборсангизлар...

Онахон ая хатнинг шу ерига келганда, бироз қимирлаб, у ёғиб ёғини тўзатгандай бўлди.

— Яна пул сўрабдими, ўзимиз... — Намунча энди, ахир ўғлинг-ку! Мусофир шаҳарда ўқининг ўзи бўлади-ми?

— Узинг бир танангга ўйлаб қурсанг-чи, икковими нафақахўр бўлсанг, унга қаердан пул топиб берамиз, бошқа даромадимиз йўқ-ку. Қани у ёғини ўқинчи, — деди асабийлашиб.

— Уларингиз сихат-саломат ўтирибсизларми. Ойижон, соғлигингизга қаранг, кўп ўзингизни уринтирманг, ўзим ўқини битириб олсам, сизларни бошимга

кўтариб юраман. Отажон, сиз ҳам, ўзингизни кўп қойитманг. Бел оғринингиз тузалиб кетди-ми? Совуқдан эҳтиёт бўлинг, мана, қиш ҳам келяпти, иссиқ кийиниб юринг.

Ойижон, отажон, сизларни жуда соғинганман. Таътилга чиқсам бораман. Ҳурмат билан ўғлингиз, Пулат.

Хат тугади. Рўзат бобо Онахон аяга қараб турди, энди нима деркин деб.

— Пулимиз йўқ. Уқишда-гиларга ҳам ойлик беради-ку. Нега биздан пул сўрайди, юбормаймиз.

— Вой, ундай дема, ўлғидек қаҳринг қаттиқ-да, Онахон. Озгина юборсангиз, нима бўлади?

— Нафақаними? — Нима қилибди, эрингизники юбор бўлмас.

Онахон ая хат ташувчига зарда қилгундай тескари ўғрилиб олди.

Рўзат ҳам «менга нима» дегандай, хат соладиган жамосини кўтардию, ўз йўлига кетди.

Онахон аянинг хавллари тўзған. Хафақонлиги ошиб, безовталанди. Нафақани юборса, ўзи нима қилади, зўрга қуни ўтиб ту-

рибди-ку. Дори-дармон олинчи керак. Газ, электр пули.

Шу вақт ўрта мактабда математика ўқитувчиси бўлиб ишлайдиган Аҳмат Азимов келиб қолди. Афтидан дарсдан чиқиб, уйга қайтаётган бўлса керак. Онахон аянинг ҳардам-хаёлда ўтирганни кўрдию, шу томонга юрди.

— Ҳа, Онахон ая, тинчликми, ўзи? — Уғлингиздан хабар борми?

— Мана, хат ёзибди! — Нима деб ёзибди, ўқишлари яхши эмишми. Пулатжон ажойиб, қобилиятли йигит, математикадан фақат бешга ўқирди.

— Нима деб ёзарди, мана, ўзинг ўқийқол, — деди-да ўғлидан келган хатни ўқитиб берди.

У хатни олиб ўқий бошлади: — Салому алайкум, азиз отажоним, меҳрибон онажоним...

Онахон ая ялт этиб ўқитувчига қаради, гўё юраги ёниб кетгандай, кўзига меҳр ёшлари келди. Чунки, ўқитувчи хатни бошдан-оёқ шундай чиройли, худди суҳандонлардек оҳанг билан ўқидики, охири Онахон ая, «Ўғлим шўрлик чиндан ҳам қийналиб қолди, пул юбормасам бўлмас экан», деб хат ташувчи олиб келган нафақа пулини олиб, қиндаги почта-хонага жўнади...

қайдан келаяпти, тушунсанг-чи, ахир!

— Тушунмайман, қандай пул топишни ўзим биламан, сизнинг ойликка

яшайдиган даврларингиз ўтиб кетган, эски замон одамисиз, — деди ўғил.

— Эски замонни гапирма, унинг азобларини мен ҳам кўп чекканман, аммо ҳозирги овоз, эркин замонда, унинг қадрига етмай, мўмай даромад кетидан қувиш инсофдан эмас.

— Энди кичкина бола эмасман-ку, оилам бор, ўзимга-ўзим ҳўжайинман, — деди ўғли яна гап қайтариб.

Ота бошини ҳам қилганча, кўзини юмиб, жим бўлиб қолди. Энди ўғлига ҳеч нарса демади, сукутда. Айтган билан кор қилмас. Бутун вужуди эзилиб, юрагининг аллақаси дараз кетгандай сездди ўзини. Ўғлига бир назар ташлади-ю, ўз хонасига кириб кетди.

Унча кўп вақт ўтмай, ота оламдан кўз юмди. Ота вафотидан бир йил ўтган, ўғли пора билан қўлга тушиб, қамалиб кетди... **Мақсуд ҚОРИЕВ.**

АДИБ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНДИ

Мусо Тошмуҳаммад ўғли — Ойбек йигирманчи аср ўзбек адабиётининг етук намоёнларидандир. Роман, қисса, ҳикоя, шеър ва достонлари китобхоналар қалбидан чуқур жой олган. Асарлари қўлаб-хорижий тилларга таржима қилинган. Унинг «Навоий» романи хитой тилида нашрдан чиқди.

Адиб таваллуд топан кун муносабати билан унинг уй-музейида бўлиб ўтган тадбирда шу хусусда сўз юритилди. Ойбек замондошлари — олимлар, ёзувчи ва шоирлар адиб ҳақидаги хотираларини сўзлаб берди.

Б. ХИДИРОВА, Ў.А. мухбири.

БОЛАЛАР УЧУН ЭРТАЛИК

Қибрай туманидаги вилоят ногирон болалар уйининг тантаналар залда катта арча безатилиб, тўқин дастурхон ёзилди.

Муассаса тарбиячилари болажонларга «Қорбобо ва Қорқиз», «Зумрад ва Қиммат», «Мушқувой билан қарга» каби сахна томошаларини намойиш этишди.

Айём туман ҳокимлиги ҳамда ҳомий ташкилотлар ёрдамида ташкил этилди. Шунингдек, арча байрами кун болалар уйига турли совғалар қаторида телевизор ва видеомагнитофон такдим этилди.

Ўз мухбиримиз.



ҚАЙТИШ

Бир яқин дўстим амалга минди-ю, босар-тусарини билмай қолди. Илгари ҳамма билан апок-чапоқ бўлиб юрадиган одам, бутунлай ўзгарди-қўйди. Энди юришлари ҳам, қарашлари ҳам бошқача. Ўзидан мансабди каттароқ одам бўлса, эгилиб соясига салом беради, сал даражаси кичикроқ бўлса, менсимайроқ кичиқради. Хизмат жойида ҳам шундай, одам танлайди. Жамоадагилар унинг хулқ-атворидаги манманликни ёқтирмай қўйишди. Унинг юриши, ўзини тутуши, хулқ-атворини масҳара қиладиганлар ҳам пайдо бўлиб қолди. Бундай қараганда, иш фаолиятида қаттиқ тартиб бордай. Идорага вақтида келиб, кечгача ўтиради, тушликни ҳам хонасида қилади, иш вақти тугади дегунча, машинасига ўтириб уйга жўнайдди. Орқа ўриндиққа чўкиб: «ҳайда» дейди-ю, уйга боргунча шофер билан бир оғиз ҳам гаплашмайди. Бир кун иўлда кетаётган

ОҚЛАДАР

Ўғил ночор чиқди. Сағал қўлига пул тушиб, ишлари юришиб кетган эди, юриш-туриши ўзгариб қолди. Бир кун отаси унга: «Ўғлим, оёғингни қараб боосанг бўларимди, ахир мен сени не умидлар билан ўстирган эдим», деб на-сихат қила бошлади. Қайда дейсиз, отасининг панд-насиҳатлари ўғлига эриш туйилди шеклиди, эътиборсизлик билан: «Мен ўғрилиқ қилаётганим йўқ-ку, пул топсам ёмон бўлтимми, еганингиз олдингиз деб бўлса» деб отасининг из-зат-нафисга тегиб, хурматсизлик қилгандай, муомала қилди.

— Ўғлим, мен сенга ҳеч қачон ёмонлик истамайман, ҳамма нарсанинг ҳам чегараси бор. Нопок йўллар билан топилган пул ҳеч қимас вафо қилган эмас. Сен, ахир масъул ишда бўлсанг, ойлигинг қанчалигини ҳамма билади, бу ортиқча даста-даста пуллар

ҚАЙТИШ

эди, бир қадрдон дўсти кўл қўтариб қолди. Ҳайдовчиси уни яхши тангани боис тўхтатмоқчи бўлганда, «тезроқ ҳайда», деди зарда билан унга.

«Семизликни қўй кўтарайди» дегандек, замон тақозоси билан беобур бошлиқни ишдан олишди. Маҳаллада дув-дув гап: «Ўзи ҳам амалга минган, шишиб кетган эди», «Ҳеч кимни менсимасди», «Маҳаллага аралашмасди». Хуллас, гап қўл.

Бобокалонлар демишлар: «Мансаб курсида ўтирганнингиз, кўпроқ одамларга яхшилик қил. Амалинг кетади, аммо, эзгу ишларинг қолади».

Бир кун кўчада трамвай пойлаб турган эди, ўша мактабдош дўсти, ўзи рўлда, «Жигули»-сини ҳайдаб ўтиб қолди. Уни кўрди-ю, машинасини таққа тўхтатди.

— Утир, дўстим, уйингга олиб бориб қўяман, — деди.

Ўзи ҳам чарчаб турганди, юрагида қуёш порлаганди бўлди. Машинанинг орқа ўриндиқига ўтирмоқчи бўлганда, ўртоғи: «Енимга ўтир, гаплашиб кетамиз» деди...

Бекажон

ХАМИР ҚОРИШ УСЛУБИ

Дастурхон оила аъзолари, қавму-қариндош, дўст-биродарларни бир-бири билан боғлайдиган риштадир. Тўқин дастурхондан, аввало, уй бекасининг диди, зийраклиги ва эчкилиги намойиш бўлиб турса, иккинчидан, мезбоннинг сизга бўлган ихлоси ва эътиқоди ҳам аён бўлади.



Энг қадри одамларингизга пишириқларни ўз қўлингиз билан тайёрлашга нима етсин! Қолаверса, зийраклик ва тежамкорлик билан йўқни бор деб кўрсатиш, бир турдаги масалликдан бир неча хил таомлар тайёрлай билиш ва уни манзур эта билиш оқила аёлларимизга хос фазилатдир.

ладиган бўлса, уни сувда эритиб олиш лозим. Ортиқча шакар солиб қорилган хамир вазни оғир бўлиб, ошиси қийин бўлади, пишиш вақтида эса ёйилиб кетади.

1. **СУЮКЛИК** — қатик, сув, сут. Қатик солиб қорилган хамир яхши кўпчида ва тез ошади: хамир чуқмал бўлиб қолмаслиги учун озгина туз қўйилади. Қуруқ сутни хамир қоришдан аввал албатта сувда эритиб олиш зарур. Бунда 1/2 литр сувга 50 грамм қуруқ сут солинади.

3. **ТУХУМ** — оқи билан сариғи ёки фақат сариғи. Тухум сариғи хамирни яхши оширса, оқи аксинча, оғир қилиб қўяди. Тухум ўрнига тухум кукунни (порошоги) ишлатиш мумкин (битта тухумга бир ош қошиқ тухум кукун билан 3 ош қошиқ сув тенг келади).

2. **ШАКАР** — хамир қоришда майда шакар ишлатилади. Қанд ёки йирик шакар ишлати-

4. **ЁҒ** (иситилган) — маска ёғи, сариёғ, маргарин, ўсимлик мойи, қўй ёки мол ёғи. Ёғ қўшилган хамир юмшоқ бўлади. Хамирга

ортиқча ёғ солинса, хамирини ошиси қийин бўлади. Натияжада, тайёр маҳсулот оғир чиқади.

5. **ТУЗНИ** — хамир қориладиган суюқликда эритиш тавсия қилинади. (1 кг. ун ёки 1/2 литр сувга 10 грамм, ўткирроқ маҳсулотлар тайёрлаш учун — 20 грамм туз солинади). Хамиртурушга туз солиш тавсия этилмайди, чунки туз аччиқ замбуруғлари ҳаётини тўхтатиб қўяди.

6. **ЗИРАВОРЛАР** — ванилин, лимон ёки апельсин цедраси, мускат ёнғоғи, майиз, қардамон, цукат ва турли мева эссенциялари. Хамирга киргичдан ўтказилган картошка солиш ҳам мумкин (хамир юмшоқроқ бўлади), бунда хамирга солинадиган ёғ ва тухум микдори бир оз камайтирилади. Эзилган картошка аралаштириб, қуюроқ хамир тайёрлаб бир кун сақлайсиз. Кўпчиш жараёнда хамир яна суюлади. Одатда 1 кг. унга 100-200 грамм картошка етарли бўлади.

Хамир қориш учун керак бўладиган маҳсулотлар микдори аниқ ўлчанган (рецептда кўрсатилганда), солинадиган масалликлар нисбати тўғри белгиланган бўлмоғи лозим. Ишлатиладиган масалликлар совуқ бўлмаслиги керак, акс ҳолда хамирининг кўпчиш жараёни қўзилиб кетади.

Матлуба **МАҲМУДУХҲАЕВА** тайёрлади.

Тошкент вилоят Адлия бошқармаси ҳайъатининг 2003 йил 24 декабрь кундаги 25-сонли қарори билан Қибрай туманида жойлашган «ТАШЮРСЕРВИС» адвокатлик фирмаси давлат рўйхатидан чиқарилди.

Тошкент вилоят Адлия бошқармаси ҳайъатининг 2003 йил 24 декабрь кундаги 26-сонли қарори билан Янгийўл туманида жойлашган «АЛ-ШОКИР» адвокатлик бюроси давлат рўйхатидан чиқарилди.

Тошкент геологоразведка техникуми томонидан 1981 йил 7 июнда Авазова Гулябза Садировна номига берилган, 469451 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

1998 йил 10 февралда берилган 2048275623 рақамли ер кадастри ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ **Муассис:** **ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ** **Бош муҳаррир** **Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ** **Шлефонлар:** **Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48** **Эълолар: 133-58-85, 136-53-54** **Маълумот:** **700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.** **Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.** **Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.** **Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.**